Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, uzss@inbox.ru ● 2011 йил, 16 декабрь ● № 49-50 (862-863)

## 2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

## БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

### Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидаги қутлуғ сана – мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз – Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Авваламбор, мана шу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Том маънодаги тарихий бу санани ҳар сафар байрам қилар эканмиз, Конституциямиз – Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз.

**Иккинчидан.** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

**(Давоми 2-бетда).**



## ОИЛА – ЁРУҒ КЕЛАЖАК, БАХТУ САОДАТ

***Инсон ҳамиша эзгулик ва яхшиликка, ўз олдига қўйган орзу-умидларига интилиб яшайди. Бахтли ҳаётга эришишнинг ягона мақсади – бу албатта, унинг мустаҳкам оиласи, тинч ва осуда ҳаёти, фарзандлар камолотида деб билади. Халқимиз ана шу бахтни ота-онада, умр йўлдошида, фарзандида, бир сўз билан айтганда, оиласининг мустаҳкамлиги, тинчлиги, аҳил-иноқлигида кўради.***

Бош Қомусимизнинг 63-моддасида ҳам айнан оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги билан аҳамиятлидир. 2012 йилимизнинг муҳтарам Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсадлар, фаровон ҳаётимиз ва келажак авлодларимиз истиқболи уйғун ётади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: "...бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Муқаддас даргоҳ тўғрисида қанчалар гапирсакда, сўз бойлигимиз, қолаверса, қаламимиз ҳам ожизлик қилади. Чунки юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи мустаҳкам оиланинг асосий пойдеворидир.

**УШБУ СОНДА:**

МЕДИЦИНА УЗБЕКИСТАНА ВО ВЗГЛЯДЕ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН — 4-стр.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ҒАМХЎРЛИК — 5-бет.

МУҲИМ МАСАЛА ДОИРАСИДА — 6-бет.

ПЕРВЫЕ НЕДЕЛИ ЖИЗНИ МАЛЫША — 8-стр.

# БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

**Учинчидан.** Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

**Тўртинчидан.** Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

**Бешинчидан.** Миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

**Олтинчидан.** Конституциямиз миллий, кўпукладли иқтисодиётимиз асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

**Еттинчидан.** Асосий Қонунимиз миллий хавфсизлик ва мудофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, биз танлаган тадрижий тараққиёт йўли, биз учун номақбул бўлган, "шок терапияси" деб аталган ислоҳотларни асоссиз равишда тезлаштиришнинг турли шаклларидан воз кечганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта.

Ўйлайманки, орадан йиллар, неча ўн йиллар ўтади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажминиг, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва турархой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига – 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлайманки, ҳеч кимни, аввалambор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдираётган муаммоларга қарамасдан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмаслиги бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимиз, юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва марралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга, бутун халқимизга фахру ғурур бағишлаши табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланадиган эркин иқтисодиётга асосланган очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эътибор қозонган жамиятни шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни хушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Ўйлайманки, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлисимиз – Парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўйгтан юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало конституциявий ислоҳотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини амалда жорий этишни назарда тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислоҳотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз албатта яхши англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмуни билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлмиш – мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларимизни ўзида мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яккаю ягона тўғри йўл, деб қабул қилинишимиз зарур.

Азиз ватандошлар!

Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси – Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган олижаноб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун ҳаёт мазмуни ва амалий интилишларга айланиб боришини истардим.

Соддароқ қилиб айтганда, саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва қўзда тутилаётган барча ислоҳотлар аввалambор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз яхши англаб олганига ишонаман. Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари тарафидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самарадорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аввало, собиқ совет ҳудудида эски мустабид тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгида кечаги совет даврини қўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлмиш собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлишини табиий-қонуний ва мантиқий ҳол деб баҳоламаслик, бунинг сабабини аввалambор бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларининг ноқобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага урғу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масаларни кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсадан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни, интеграциялашув жараёнларини кўзлаб, шу мақсадда турли давлатлараро бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича сўз юритганда, айтиш керакки, бундай бирлашмалар вақти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши ва бундай ҳолат бирлашма аъзоларининг бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга оширишнинг энг муҳим устувор йўналишдир.

Биз учун ғоят муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.

(Давоми 3-бетда).

# БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қулай инвестицион иқлимни ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узоқ муддатли ва ишончли имтиёз ҳамда преференциялар беришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун кимнингдир рухсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юртдошларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчиман: тарихни асло орқага қайтариб бўлмайди. Бизнинг халқимиз, кейинги йигирма йил давомида вояга етган навқирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги келажагимизга катта ишонч билан қарамоқда ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон – мен такрор айтаман – ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан роппа-роса бир йил олдин Конституция кунига бағишланган мажлисда мамлакатимизда одатга айланган анъанани давом эттириб, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъқул топганимизнинг асосий сабаб ва омиллари ҳақида жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат қуриш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққий топаётган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисмидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад, принцип ва қоидаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилгани барчамизга маълум.

Бундай сиёсатни, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда – шунга урғу бериб айтмоқчиман – иш билан банд аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва халқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, кўзга кўринган кўпгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай синовларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозорида рақобат ғоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гаплашиб олишни ўринли, деб биламан.

Ҳаммамиз тушунамизки, йил якуни билан бу йўналишда қабул қилган дастуримизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган давлат идоралари, ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофлича хулоса чиқариш вақти келади, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг рухсатингиз билан бу масаланинг фақат икки йўналишига эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблайман. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётининг суръат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қулайликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишни янги босқичга кўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар туфайли эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилгани, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабелликни таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш керакки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикма-эшик юришга бутунлай барҳам берилиб, "битта дарча" тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хом ашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этгани, зарур хом ашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. Яна шуни қайд этиш лозимки, айни шу механизмни татбиқ этганимиз туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотиқ, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани айниқса эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни авваламбор соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири – бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, такрор айтаман, Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг кўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман – 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Азиз юртдошлар!

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратаётган, фаровон ҳаёт сари қадам қўяётган инсонлар айни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Шу борада яна бир муҳим хулоса.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва таянчига айланиб бораётган, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз уйи, ўз мулкини ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама англаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий ҳурматимни билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад – бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар кўплигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-ҳунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажагини аниқлаб, оила қуришни истайди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада

(Давоми 4-бетда).

# БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг рухсатингиз билан, кириб келаётган янги – 2012 йилга юртимизда **"Мустаҳкам оила йили"** деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

(Давоми. Боши 1-3-бетларда).

**Иккинчидан,** барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш – буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, холисона тан олишимиз даркор – ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини кўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этиш биринчи навбатда давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилигимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизга аён бўлиши даркор.

**Учинчидан,** "мустаҳкам оила" деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда "Маҳалла – халқ виждони" деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ўйлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

**Тўртинчидан,** оилани янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш – авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

**Бешинчидан,** биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан – бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлари бўладими – ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни қўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин, биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан такрор айтаман – биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга албатта етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлсин.

*Признание*

# МЕДИЦИНА УЗБЕКИСТАНА ВО ВЗГЛЯДЕ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН



**Томас МИЛОСАВЛЕВИЧ, министр здравоохранения Сербии:**

– Опыт Узбекистана в реформировании системы здравоохранения и, в частности, в сфере охраны материнства и детства, очень актуален и для нашей страны. В ходе выполнения программы «Здоровая мать – здоровый ребенок» в вашей республике создана сеть современных медицинских учреждений, в том числе специализированные центры педиатрии, акушерства и гинекологии, перинатальные и скрининг-центры, родильные комплексы.



**Сламет Рияди ЮВОНО, заместитель министра здравоохранения Индонезии:**

– В рамках симпозиума я посетил несколько клиник вашей столицы. В Узбекистане сформирована современная система оказания медицинских услуг. Оснащенные высокими технологиями центры в Ташкенте и областях полностью охватили все слои населения. Это имеет важное значение в укреплении здоровья матерей и детей, предотвращении врожденной инвалидности.

Симпозиум имеет важное значение в решении актуальных проблем в области охраны материнства и детства.

**Мануэла АШАУЭР, президент общества радиологов Австрии:**

– Особое внимание, уделяемое в Узбекистане развитию медицинской службы, дает свои высокие результаты. У меня четверо детей, поэтому я очень интересуюсь вопросами здоровья матери и ребенка и придаю этому большое значение.

Внедряемые в медицинскую практику новые методики и высокие технологии служат своевременной диагностике заболеваний, предупреждению инвалидности и реабилитации пациентов. Следует отметить, что в Узбекистане также динамично развивается радиология, в сфере широко применяются новейшие современные технологии.

На симпозиуме я выступила с докладом о преимуществах и возможностях использования магнитно-резонансной томографии. В сотрудничестве со специалистами вашей страны мы провели несколько научно-практических семинаров по применению данного обороруд ования в Узбекистане и Австрии.

**Мари Камиль ЛЕНОРМАНД, заместитель министра труда, занятости и здравоохранения Франции:**

– Узбекистан осуществляет широкомасштабные коренные реформы в сфере медицины и добивается огромных успехов. Под руководством Президента Ислама Каримова уделяется особое внимание вопросам охраны здоровья матерей и детей, повышения медицинской культуры населения. Ярким тому подтверждением служит проведение по инициативе главы вашего государства данного международного форума.

Этот симпозиум предоставляет возможность более детально ознакомиться с национальной моделью Узбекистана в области охраны материнства и детства, получившей высокую оценку в мире, а также обменяться мнениями и опытом с коллегами из разных стран.

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Инсонга наф келтириш – олий бахт*

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ҒАМХЎРЛИК

***Жорий йилнинг 7 декабрь куни Республика онкология илмий марказида болалар бўлими очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур бўлим «Меҳр нури» жамоат жамғармаси томонидан реконструкция қилиниб, замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозланди.***






Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов кириш сўзи билан очиб, тизимда олиб борилаётган ишлар кўламининг кенгайиб бораётганлиги, ислоҳотлар жараёнида амалдаги фаолиятлар изчиллик билан давом этаётганлиги боис, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошганлигини таъкидлаб, шунингдек, ноябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро анжуманнинг кўтаринки руҳда ўтганлигига атрофлича урғу берди. Ва фарзандларимиз саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишларда Президентимизнинг ғамхўрлиги алоҳида эътирофга лойиқ эканлигини айтиб, ўз миннатдорчилигини билдирди. Сўнгра «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ва «Ҳаёт учун» кўкрак бези саратони миллий уюшмаси вакиллари ҳам сўзга чиқиб, бундай савобли ишлар болаларимиз соғлигини муҳофаза қилиш борасида муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтдилар.

– Маълумки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика онкология илмий марказига 1962 йилда асос солинган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси онкология хизматининг асосий муассасасидир. Болалар онкология бўлими 2001 йил февраль ойида иш бошлади. Барча шароитлар мавжуд бўлсада, хирургия, реанимация ҳамда тезкор терапия бўлимлари йўқ эди. Таъкидлаш муҳимки, «Меҳр нури» ташаббуси билан ҳомийлар ёрдамида 2011 йилнинг июнь ойидан декабрь ойига қадар бўлим санитария қонун-қоидаларига асосланган ҳолда замонавий тарзда капитал таъмирдан чиқарилди. Бўлим 50 ўринга мўлжаллан-



ган бўлиб, бемор болаларга замонавий шарт-шароитларда (ўйин, ўқув хоналари) юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Шунингдек, замонавий хирургия, тезкор терапия ва реанимация бўлимлари қурилди. Улар барча керакли мебеллар, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу бўлимда болаларда кечаётган хавфли ўсма касалликларининг барча турлари бўйича текширув ва даволаш ишлари олиб борилади, – дейди Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов.

Иштирокчилар Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов бошчилигида мазкур бўлим шароитлари билан танишишди. Замон талаблари даражасида бунёд этилган ушбу тиббиёт муассасасининг сифатли ва тезкор равишда қуриб битказилганлиги ҳамда замонавий аппаратуралар билан таъминланганлигини эътироф этган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Икрамов «Меҳр нури» жамғармаси жамоасига ўз миннатдорчилигини билдирди.







# САЛМОҚЛИ ФАОЛИЯТЛАР

***Эътироф этиш жоизки, давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган оналик ва боликни муҳофаза қилиш ишларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, бу борада ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.***

Айниқса, бу йўналишда замонавий тиббиёт муассасаларининг қад кўтараётганлиги ва уларнинг янги технологиялар билан таъмин этилаётганлиги соҳада эришилаётган ютуқларнинг омили бўлаяпти десак, янглишмаган бўламиз. Жумладан, Республика перинатал маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари ҳам бугунги давр талабига жавоб бериб, соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келишида муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, Республика перинатал маркази 2002 йил 27 сентябрда ташкил этилган бўлиб, у ерда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга шошилинч, режали тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Марказ асосан 125 ўринга мўлжалланган. Айтиш муҳимки, 2008 йил 1 майдан бошлаб реанимация-маслаҳат бригадаси ҳам ўз фаолиятини бошлади. Марказ фаолияти тўғрисида кўплаб ижобий фикрларни давом эттириш мумкин. Ана шундай салмоқли ишлар баробарида ушбу тиббиёт муассасасига қўшимча тарзда янги бино қад кўтарди. Куни кеча мазкур Республика перинатал марказининг янги биносида маслаҳат поликлиникаси ва неонатал бўлимларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов сўз олиб, давлатимиз томонидан оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат туфайли соҳада улкан ўзгаришлар бўлганлиги ҳамда ушбу бўлимлар «Сен ёлғиз эмассан» фонди ёрдами билан энг замонавий ва юқори технологияли аппаратуралар билан жиҳозланганлигини айтиб, мазкур фонд жамоасига ўз мамнунлигини билдирди. Шунингдек, Республика перинатал маркази директори Аделина Любчич сўзга чиқиб, оналар ва болалар саломатлиги учун ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбарига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, «Сен ёлғиз эмассан» фонди ва бир қанча ҳамкор ташкилотларга самимий ташаккурини изҳор этди.



Республика перинатал марказининг ташқи кўриниши.

**Йиғилганлар ушбу бўлимларда бўлиб, халқаро андозаларга мос тарзда лойиҳаланган хоналарни, шунингдек, она ва бола учун зарурий шарт-шароитлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдилар.**

Заходите на наш официальный веб-сайт: www.uzssgzt.uz

*Тадбир*

# МУҲИМ МАСАЛА ДОИРАСИДА






***Жорий йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси талабига асоан, «Коррупцияга қарши» мавзусида кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибида «Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адхам Икрамов кириш сўзи билан очиб, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятларга урғу бериб, кун тартибидан ўрин олган мазкур масала, яъни коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари асосида вазирлик мутахассислари томонидан амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталди. Сўнгра «Европада Ҳамкорлик Хавфсизлик Ташкилоти томонидан коррупцияга қарши кураш ишлари ва эришган ижобий натижалар тўғриси»да Европада Ҳамкорлик Хавфсизлик Ташкилотининг (ОБСЕ) Ўзбекистондаги вакили – Йенс Расмуссен ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши кураш бошқармаси прокурори Дурбек Тўрахоновлар маъруза қилдилар.

Тадбир давомида мутахассислар йиғилганларга коррупция тушунчаси ва унга қарши курашнинг илмий-назарий асослари бўйича ҳам кенг маълумот бериб ўтдилар.

**Шунингдек,** кун тартибидан ўрин олган муҳим, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган китоби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов алоҳида тўхталиб, мазкур китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг ўлкамизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида ғолиб чиқиб, президентлик қасамёдини қабул қилишгача бўлган тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Сўнгра «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов Президентимизнинг мазкур китобининг мазмун-моҳияти нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини, қолаверса, тўпламга киритилган ҳар бир жараёнлар янги тарихимизнинг биз билмаган кўп қирраларини англаб етишимиз истиқлолимиз моҳиятини қанчалик қадрли ҳамда халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига қўшилган ҳиссаси катта эканлиги тўғрисида иштирокчиларга чуқур маълумот бериб ўтди.

**Тадбир иштирокчилари ҳам Юртбошимизнинг ушбу китоби бўйича ўз фикрларини билдиришди.**

*Маънавият*

# ФИКРЛАР МУЖАССАМЛИГИ

***Барчамизга маълумки, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган китобини ҳар биримиз катта қизиқиш билан ўқиётганлигимиз, қолаверса, она Ватанимизни севиш, уни кўз қорачиғидек асраш, юртимиз тинчлигини сақлашдек муҳим фазилатларга янада эга бўлаётганлигимиз ҳеч биримизга сир эмас.***

Шундай экан, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятининг аҳамияти ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари олдидаги долзарб вазифалар мавзуидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, Юртбошимизнинг мазкур китоби тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев Президентимизнинг мазкур китоби ҳар бир инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг ушбу китобидан ўрин олган, мураккаб тарихий даврда сўзлаган маъруза, суҳбат ва мақолаларининг ижтимоий моҳияти, илмий-назарий қиммати беқиёс аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтдилар.






**Ана шундай мазмундаги йиғилиш Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши томонидан ҳам ўтказилди.**

*Ўқув-семинар*

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

***Барчамизга маълумки, мамлакатимизда «Ҳамширалик иши»га давлатимиз томонидан бўлган эътибор боис, мазкур йўналишда диққатга молик ишлар амалга оширилиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ҳамширалар ўрни беқиёс бўлаётганлигини эътироф этишимиз жоиз.***




Айтиш муҳимки, ҳамшираларимиз малакасини ошириш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциациясининг саъй-ҳаракати билан ўтказилаётган узлуксиз таълим жараёнлари, шунингдек, ўқув-семинарларнинг олиб борилаётганлиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, билим ва кўникмага эга ҳамшираларнинг оилаларга чуқур кириб бориши, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ва ўз соғлигига эътибори ошганлигининг гувоҳи бўлиб келяпмиз.

Ана шундай яна бир ўқув-семинарнинг навбатдагиси «Пойтахт» бизнес марказида бўлиб ўтди. Ушбу семинарда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Ҳамширалик ва акушерлик иши» бўйича маслаҳатчиси Валери Флеминг иштирок этди. Семинарда асосан, акушерлар фаолиятини жаҳон андозаларига мос равишда кўтариш масалаларига катта эътибор қаратилди. Тадбир иштирокчилари тиббиёт олий ўқув юртлари, коллежларида олиб борилаётган дарс жараёнлари ва ўқув режалари бўйича маъруза қилдилар.

– *Бундай ўқув-семинарлар акушерлар фаолиятида муҳим ўрин тутади ва жаҳон андозалари асосида иш олиб боришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади,* – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Салихаджаева.

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Матбуот конференцияси*

***Жорий йилнинг 14 декабрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги 302-сонли Қонуни бўйича вазирлик тизимида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

# ТАРҒИБОТНИ КУЧАЙТИРИШ МУҲИМ

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, қабул қилинган мазкур қонуннинг инсон саломатлиги учун муҳимлиги, шунингдек, ушбу қонун 5 боб ва 25 моддадан иборат эканлигини таъкидлаб, бу борада тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини айтиб ўтди. Конференция давомида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари томонидан бу борада амалга оширилаётган фаолиятларга алоҳида урғу қаратилиб, иштирокчиларга қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Тиббий огоҳлантиришлар ва огоҳлантирувчи ёзувлар матнини тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғи тўғрисида чуқур маълумот бериб ўтилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бир қанча ташкилот вакиллари тўлақонли тарзда жавоб бердилар.

*Семинар*

# ТИББИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



***Пойтахтимизнинг «Шодлик» меҳмонхонасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Бирламчи тиббий санитария тизимидаги тиббий ҳужжатларни такомиллаштириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Унда вазирликнинг мутасадди раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқларининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассислари, ҚВПларда фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, тиббиёт олий ўқув юртлари қошидаги умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш ўқув марказларининг ўқитувчилари иштирок этди.

Семинарни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассиси Р. Салихаджаева кириш сўзи билан очиб, мавзу доирасидаги ютуқ, камчилик ва муаммоларга алоҳида тўхталди. Кун тартибида ҚВПда тажриба тариқасида олиб борилган янги шаклдаги тиббий ҳужжатларнинг юритилиш тартиби ва муҳокамаси, шунингдек, бу борада учраётган камчилик ҳамда муаммолар бўйича фикрлар билдирилди. Семинар давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Бунинг баробарида ҚВП ва оилавий поликлиникаларда юритиладиган янги ҳужжат шаклларини такомиллашган ҳолда қайта кўриб чиқиш масалаларига катта эътибор қаратилди.

*Баҳс ва мунозарага бой бўлган ушбу семинардаги таклифлар инобатга олиниб, мазкур йўналишда янгича тарзда фаолият юритилиши кўзда тутилди.*

*Давра суҳбати*

# БАХТИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

***2011 йил 6 декабрь куни Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганига 19 йил тўлиши муносабати билан Бош қомусимизнинг фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашдаги ўрни, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Мазкур давра суҳбатида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси, халқ таълими аълочиси Қобилбек Каримбеков иштирок этиб, учрашув қатнашчиларига Конституциямиз инсон ҳаёти учун нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида атрофлича тўхталиб, берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди. Шунингдек, сиёсий шарҳловчи иштирокчиларга Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби тўғрисида ҳам чуқур маълумот бериб ўтди.

**И. РУСТАМОВ,**
**Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ





***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамкорлигида вазирликда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»га бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Унда Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари иштирок этиб, мавзу доирасида, яъни мавсумий даврда содир бўлаётган ёнғинлар ва унинг натижасида кўнгилсиз ҳолатлар юз бераётганлиги, бундан ташқари, болалар ўртасида пиротехника воситаларидан фойдаланмаслик ва бу борада нафақат ота-она, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди. ***Тадбир давомида мавзуга оид видеофильм намойиш этилди.***

*Ифтихор*

# ВАТАНГА БЎЛГАН МЕҲР ВА МУҲАББАТ

***Фахр билан айтиш жоизки, Конституция ва қонунлар ҳар бир мамлакат давлатчилигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Шу боисдан ҳар йили юртимизда мустақиллигимиз рамзи, бахтимиз қомуси, тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун кенг нишонланади.***



Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишлаб В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 3-А гуруҳ талабалари иштирокида «Сен қадрли, сен муқаддас менинг Ватаним, мустақил Ўзбекистон» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир лицейдаги тарих фани ўқитувчиси Иван Иванович Железняк ташаббуси билан ташкил этилди. Даставвал, талабалар устозлари И. Железняк бошчилигида пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳамда тарихий обидаларни ўзида мужассам этган жойларда бўлишиб, юртимиз тарихи, истиқлол ғояси, Ватанимиз мадҳи тўғрисида ўз фикрларини баён этишди. Ва юртимизнинг диққатга сазовор жойларини видеотасвирга олишди.

Тадбирни академик лицей директори Дилдора Джамалова кириш сўзи билан очиб, Бош қомусимизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ҳаётимиз учун нечоғлик эканлигини эътироф этди. Тадбир давомида тайёрланган видеолавҳалар иштирокчиларга намойиш этилди. Шунингдек, талабалар Ватанимиз тарихи, истиқлол берган имконият, кадрларни тайёрлаш миллий дастури, буюк инсонлар ҳаёти тўғрисида батафсил гапириб ўтишди. Ҳакамлар ҳайъати уларнинг ноёб истеъдодларини, қолаверса, ҳаётимиз тарихига бўлган қизиқиш ва иштиёқларини одилона баҳолади.



**Ўзига хос бой мазмунда ўтган ушбу тадбир ҳар бир инсоннинг ўз Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширди десак, муболаға бўлмайди.**

**5-7-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА, Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**



Советы молодым матерям

# ПЕРВЫЕ НЕДЕЛИ ЖИЗНИ МАЛЫША

(Продолжение. Начало в предыдущем номере).

### СХЕМА ВВЕДЕНИЯ ПРИКОРМА

Следует отметить, что в большинстве стран одним из первых блюд прикорма становится каша, как продукт наиболее близкий по вкусовым ощущениям к грудному молоку и его заменителям. Однако не все каши домашнего приготовления могут полностью соответствовать всем тем нормам, которые необходимы ребенку в период активного роста, когда возрастает потребность в минеральных веществах и микроэлементах, витаминах, качественном белке, углеводах. При приготовлении каш в домашних условиях не всегда сохраняется та питательная ценность, которая нужна вашему ребенку, так как в процессе варки каши происходит разрушение витаминов и микроэлементов. При кипячении молока в процессе варки каш снижается качество белка.

В данное время имеется большой ассортимент каш промышленного приготовления. Одним из преимуществ этих каш является их состав, который обогащен всеми веществами, необходимыми для правильного и здорового роста, а также развития вашего малыша. Данный вид каш не нуждается в варке, а следовательно не происходит потери питательных веществ, содержащихся в той или иной каше. Также в меню вашего ребенка должны присутствовать фруктовые соки и фруктовые пюре, из кисломолочных продуктов – творог, кефир, которые, в свою очередь, тоже влияют на развитие костной системы растущего ребенка. Следует отметить, что грудное вскармливание ребенка до достижения им двухлетнего возраста при сочетании с дополнительным качественно сбалансированным питанием является одним из главных факторов для здорового роста и развития малыша.

### ПРИМЕРНАЯ СХЕМА ВСКАРМЛИВАНИЯ ДЕТЕЙ ПЕРВОГО ГОДА ЖИЗНИ

| Наименование продуктов и блюд | 0-6 месяцев | 6-7 месяцев | 7-9 месяцев | 9-12 месяцев |
|---|---|---|---|---|
| Грудное молоко | Кормить по требованию до 6 мес. Продукты прикорма могут быть введены с 4- месячного возраста по совету врача | Кормить грудным молоком по требованию. Продукты прикорма вводятся 1-2 раза в день всем детям независимо от вскармливания. | Кормить грудным молоком по требованию. Продукты прикорма 2-3 раза/день. | Продолжать кормить грудным молоком по требованию |
| Овощи | | Желтые овощи (морковь, картофель), затем темные овощи (свекла, горох, зеленые бобы) в виде пюре, 100-150 г. | Пюре из вареных овощей 100-150 г. (3-4 ст.ложки) | Вареные овощи (рубленые или в виде пюре) 150-200 г. (6-8 ст.ложек в сутки) |
| Фрукты | | Фруктовые пюре из мягких частей сырых или печеных фруктов (яблоки, груша или персик) 50 г. (3-4 столовые ложки) | Фруктовые пюре из мягких частей сырых или печеных фруктов (яблоки, груша, банан, слива и персик) 50-60 г. (3-4 столовые ложки) | Фруктовые пюре из мягких частей сырых или печеных фруктов (яблоки, груша или персик) 60-100 г. (7-8 столовых ложек) |
| Детские каши | | Рисовая каша, затем пшеничная, овсяная или гречневая 100-150 г.(4-5 ложек) | Комбинация разных круп или комбинации круп с фруктами 150-180 г. (3-5 ст. ложек), пресное печенье | Продолжать каши 180-200 г. (8-9 столовых ложек в сутки), ввести хлеб, макаронные изделия 10-15 г. |
| Фруктовые соки | | | Фруктовые соки 60-70 мл/сутки | Фруктовые соки 90-100 мл/сутки |
| Мясо | | | | Вареное молотое или рубленое мясо (говядина, курятина, печень или рыба) 50-70 г.(4-8 ст. ложек) |
| Молочные продукты и яйца | | | | Адаптированные кисломолочные продукты, желток вареного яйца (белок вводится после первого года жизни) |

### РОСТ И РАЗВИТИЕ МАЛЫША С МОМЕНТА РОЖДЕНИЯ ДО 1 ГОДА



Как правило, процесс развития у всех детей протекает по-разному. Постепенно они учатся смеяться, сидеть, ходить. Необходимо ежемесячно посещать врача для измерения роста, веса и физического развития ребенка. Наиболее быстрый рост ребенка приходится на первый квартал 1 года жизни. К 12-месячному возрасту ребенок в среднем прибавляет в росте 25 см. Прибавление в весе происходит неравномерно – если на 5-й месяц жизни ребенок прибавляет в весе в два раза, то на конец года только в три раза.

**1-й месяц жизни** – первая улыбка в ответ на разговор взрослых. Пытается поднимать и удерживать голову.

**2-й месяц жизни** – следит взором за движущейся перед глазами игрушкой. Быстро отвечает улыбкой на разговор с ним.

**3-й месяц жизни** – в ответ на разговор с ним проявляет радость: улыбкой, звуками и оживленными движениями рук и ног (комплекс оживления). Поддерживаемый за подмышки, крепко упирается ногами, согнутыми в тазобедренных суставах.

**4-й месяц жизни** – поворачивает голову к источнику звука. Издает громкие звуки, двигается, выпрямляя и сгибая руки и ноги. Громко смеется. Во время кормления поддерживает руками бутылочку или грудь матери.

**5-й месяц жизни** – отличает близких от чужих людей (по-разному реагирует). Различает тон, с которым к нему обращаются. Легко берет погремушку, которую держат перед ним. Подолгу удерживает в руке погремушку. Переворачивается со спины на живот. Ровно, устойчиво стоит при поддержке его за подмышки.

**6-й месяц жизни** – начинает произносить отдельные слоги. Свободно берет игрушку из разных положений и подолгу с ней занимается. Переворачивается с живота на спину. Передвигается по манежу. Хорошо ест из ложки, снимая пищу губами.

**7-й месяц жизни** – на вопросы «где огонек?», «где часы?» и др., ищет и находит взором предмет, неоднократно называемый, находящийся в определенном месте. Хорошо ползает.

**8-й месяц жизни** – громко и повторно произносит различные слоги. По просьбе взрослого выполняет различные движения, например, «ладушки», «до свидания», «дай ручку». Подолгу занимается игрушками, рассматривает, постукивает игрушкой об игрушку. Сам садится и ложится. Переступает вдоль барьера. Ест кусочек хлеба, который сам держит в руке.

**9-й месяц жизни** – на вопрос «где?» отыскивает несколько предметов независимо от их местоположения. Знает свое имя, поворачивается на зов. Свободно ходит, слегка придерживаясь руками за предметы. Хорошо пьет из чашки, при этом сам придерживает ее.

**10-й месяц жизни** – по просьбе взрослого находит и дает названную игрушку («дай мяч», «дай лялю»). Отвечает на заигрывания: «догоню-догоню». На слово «ку-ку» натягивает на лицо пеленку, «сорока-сорока» и др. Действия с предметами: вынимание-вкладывание, открывание-закрывание и др. приобретают устойчивый характер.

**11-й месяц жизни** – употребляет первые осмысленные слова, например «ав - ав», «кис-кис», «ляля». Некоторые слова приобретают обобщенный характер. На вопрос «где киса?» показывает разных кошек. Овладевает новыми действиями с предметами: накладывает один предмет на другой, снимает и надевает свободно снимающиеся кольца на стержень. Стоит на ножках без посторонней помощи.

**12-й месяц жизни** – легко подражает новым слогам. Произносит около 10 слов. Понимает по слову (без жеста) названия нескольких предметов, часто находящихся в его пользовании, разученных действий, и знает имена нескольких взрослых и детей. Например, «где мама?», «где Гуля?», «как ляля пляшет?», «покорми кису» и т.д. Самостоятельно ходит. Самостоятельно пьет из чашки

**Регулярно посещайте врача! Следите за ростом, весом и правильным развитием ребенка. Помните, что необходимо ежедневно производить контрольные измерения роста и веса малыша.**

### ПОЧЕМУ Я ПЛАЧУ?
### *ЧТО ДОЛЖНА ЗНАТЬ МАМА О ДЕТСКИХ НЕДУГАХ*

**Отчего дети плачут?**



Плач – это способ привлечения к себе внимания взрослых. При помощи плача ребенок дает знать о том, что он проголодался, чувствует дискомфорт (выделение мочи и т.д.) и боль, либо нуждается в общении. Зачастую основной причиной плача являются кишечные колики. В таких случаях рекомендуется массировать живот ребенка в направлении по часовой стрелке. При беспричинном плаче ребенка необходимо проконсультироваться у невропатолога. Для игры с ребенком можно привлекать братьев или сестер, что помогает укрепить родственные отношения между ними.

**Срыгивания**

В первые недели жизни у новорожденных отмечается предрасположенность к срыгиванию. Под срыгиванием понимают выделение воздуха из ротовой полости вместе с небольшим количеством молока после кормления. Для предупреждения этих явлений необходимо следовать правилам кормления грудью. Не следует кормить ребенка в кроватке. Рекомендуется брать малыша на руки и кормить, немного приподняв его головку. Для того, чтобы помочь ребенку вывести воздух, следует приподнять его в вертикальное положение и слегка шлепнуть по спинке.

**Кожные высыпания и опрелость**

Высыпания на коже ребенка появляются в результате несоблюдения правил гигиены и чрезмерного укутывания. Они проявляются в форме маленьких красных пятнышек. В таких случаях рекомендуется купать ребенка в теплой воде. Покраснения обычно появляются на сгибательных участках тела. Кожные высыпания возникают в результате загрязнения кожных покровов, несоблюдения гигиены при уходе за кожей малыша. Кажущиеся на вид безобидными покраснения и высыпания могут перейти в инфекционные кожные заболевания. Для профилактики болезней необходимо регулярно купать и протирать тело ребенка.

**Из книги «Здоровая мать – здоровый ребенок».**

(Продолжение в следущем номере).

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6059 нусха.
Буюртма Г-1245.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5